

Муболаға ила оғиз бурун чайқаш



20:00 / 26.04.2021 5067

Лақийт ибн Собрата розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Мен: «Эй, Аллоҳнинг Расули, менга таҳоратдан хабар беринг», дедим.

«Таҳоратни яхшилаб қил. Панжаларинг орасини таҳлил қил (сув етказ) ва бурунга сув олишда муболаға қил, магар рўзадор бўлсанг бундан мустасно», дедилар». Сунан эгалари ривоят қилган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Лақийт ибн Собрат розияллоху анху билан яқиндан танишиб олайлик:

Лақийт ибн Собратани асл исмлари Лақийт ибн Омир ибн Собрата ибн Абдуллоҳдир, кунялари Абу Разин ал-Ақалийдир. Бу зот машҳур саҳобалардан бўлиб, ҳадисларни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қиладилар.

Бу зотдан ўғиллари Осим ибн Лақийт, акаларининг ўғли Воқеъ ибн Адас, Абдуллоҳ ибн Хожиб, Амр ибн Авс ас-Сақафийлар ривоят қилишади.

Ушбу ривоятда рўзадор шахс муболаға ила бурнига сув олиб чайқамаслиги кераклиги баён қилинмоқда. Оғизга сув олиб чайқаш ҳам худди шунга ўхшашдир. Чунки икки ҳолатда ҳам инсоннинг ичига сув кетиб қолиб, рўзасига футур етиши мумкин. Рўзадор инсон доимо бунга ўхшаш ишлардан сақланиши лозим.

Юқорида рўзадорга ман қилинган нарсалар ҳақидаги баъзи ҳадисларни ўрганиб чиқдик. Аммо биз ўрганган ҳадислардан бошқа ҳадислар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасини ўрганиб чиққан фақиҳларимиз ман қилинган нарсалар рўзани бузувчи ва рўзадорга макруҳ бўлса ҳам рўзасини бузмайдиган қисмларга бўлинишини таъкидлаганлар.